



БУГУНГИ СОНДА:

2-БЕТ

Металл конструкциялари ажратилаётган пайтда ҳосил бўлган учқундан фаввора ёниб кетди. Олов 150 метрга, қуюқ қора тутун эса 3 километргача кўтарилди.

Фалокат ҳақида бир соат ўтмаёқ хабар олдик ва шошилиш чоралар кўра бошладик...

3-БЕТ

Ганжа сўнгги марта «Ох!» деб юборди, кейин унинг мурдаси «Сервиз» меҳмонхонаси ёнидаги ариқда қолиб кетди...

4-БЕТ

Ўзингизни қўлга олинганда, ҳаммасини бир бошдан тўшунтириб беринг...

...Оператив гуруҳ кўз очиб юмгунча воқеа содир бўлган жойга жўнаб кетди...

5-БЕТ

Бу йил эса қисқа муддат ичида туман ҳудудидаги тоғ ва сойликлардан жами 6396 квадрат метр майдонда наркотик ўсимликлар экилганлиги аниқланиб, йўқ қилинди.

6-БЕТ

«ГОНКОНГДАН ЖУНАТИЛГАН ТОВАТ».

7-БЕТ

«Ишга» Собирнинг бир ўзи кетди.

...Собир 50 мингга қўлга олди-ю, тугунни тошпирди. Шу пайт шиддат билан келаётган машинага кўзи тушди. Жон-қолатда қоча бошлади...

8-БЕТ

Бир олам кулги.

ТАБИЙ ОФАТ ЖИЛОВКОРЛАРИ


Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мингбулоқ нефть қонидаги мураккаб шароитларда нефть фавворасини жиловлашда энг яхши ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ишчи ва хизматчиларни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармонга биноан кўп йиллик самарали меҳнати, Мингбулоқ нефть қонидаги нефть фавворасини жиловлашда кўрсатган мардлиги, жасорати ва нефть қувурини қуришдаги фаол меҳнати ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этгани учун Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг Наманган вилоятида жойлашган вилоятлараро шифохонасининг бошлиғи Отамирзаев Турғун Пўлатовичга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони, қуйидагиларга эса Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи берилди: Азимов Темур Саъдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгиндан муҳофаза қилиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари, Аблохонов Камолхон Дадахонович — Наманган вилоят ҳокимияти ИИБ ДАН бўлим бошлиғи, Бобоназаров Ибодулло — Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАН Ўл-назорат хизмати бошқармасининг рота командири, Бибишев Эдуард Радианович — Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгиндан муҳофаза қилиш бошқармасининг муҳандиси, Восижонов Ҳошимжон Мамашукурович — Фарғона вилоят ҳокимияти ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлими ўт ўчириш раҳбарининг ёрдамчиси, Жўраев Теша Отаевич — Бухоро вилоят ҳокимияти ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлимининг катта муҳандиси, Живинский Виктор Иванович — Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлими бошлиғининг ўринбосари, Зарипов Рафил Габделханович — Бухоро вилоят ҳокимияти ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлими ўт ўчириш раҳбарининг катта ёрдамчиси, Имомов Шўҳрат Содиқович — Наманган вилоят ҳокимияти ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлимининг бошлиғи, Қозоқов Тошпўлат Турдиевич — Бухоро вилоят ҳокимияти ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлими ўт ўчириш раҳбарининг катта ёрдамчиси, Қўлдошев Абдулла Ҳамидуллаевич — Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгиндан муҳофаза қилиш бошқармаси ўт ўчириш раҳбарининг катта ёрдамчиси, Маҳмудов Ғайрат Акбарович — Фарғона вилоят ҳокимияти ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлими ўт ўчириш раҳбарининг ўринбосари, Мелибоев Жума Патилович — Фарғона вилоят ҳокимияти ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлими бошлиғининг ўринбосари, Мўминов Одилжон Содиқович — Андижон вилоят ҳокимияти ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлими ўт ўчириш раҳбарининг ўринбосари, Мусаев Раимжон Каримжонович — Андижон вилоят ҳокимияти ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлими ўт ўчириш раҳбарининг ёрдамчиси, Нарзуллаев Наримон — Наманган вилоят ҳокимияти ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари, Ни Викентий Михайлович — Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг катта инспектори, Нишонов Нўрмон Неъматович — Наманган вилояти Задарё туман ИИБ ёнгин устидан Давлат назоратининг катта назоратчиси, Новиков Евгений Николаевич — Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгиндан муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Норгитов Эркин Норсодиқович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, Пак Григорий Валентинович — Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг ҳарбий хизматчиси, Раҳимов Тошпўлат Каримович — Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАН Бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Сайфуддинов Тождидин Абдураимович — Наманган вилоят ҳокимияти ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлимининг ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисми машина ҳайдовчиси, Соков Николай Павлович — Самарқанд вилоят ҳокимияти ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлими бошлиғининг ўринбосари, Солиев Фозил — Самарқанд вилоят ҳокимияти ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлими ўт ўчириш раҳбарининг катта ёрдамчиси, Ҳошимов Ҳабибулло Рашидович — Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг ҳарбий хизматчиси, Ҳолиқов Розикўл Эргашевич — Қашқадарё вилоят ҳокимияти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, Хритов Сергей Михайлович — Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгиндан муҳофаза қилиш бошқармасининг ҳарбийлаштирилган ёнгиндан муҳофаза қилиш отряди бошлиғининг ўринбосари, Чернов Вячеслав Фёдорович — Тошкент вилоят ҳокимияти ИИБ ёнгиндан муҳофаза техникаси ва алоқа воситалари бўлими бошлиғининг ўринбосари, Шарипов Ҳаёт Музаффарович — Бухоро вилоят ҳокимияти ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлимининг ҳарбийлаштирилган ёнгиндан муҳофаза қилиш қисмининг бошлиғи, Шукуров Абдурайим Абдулҳамидович — Наманган вилоят ҳокимияти ИИБ Ўл-назорат хизмати ротасининг командири, Ёқубов Атҳам Ҳасанович — Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгиндан муҳофаза қилиш бошқармасининг бошлиғи.

Фавқулодда юз берган шароитда жасорат кўрсатган кишилар ҳақидаги ҳикоятини рўзномамизнинг иккинчи саҳифасида ўқинг.



Шайхонтоҳур тумани ИИБ қошидаги қўриқлаш бўлими ходимлари кечаю кундуз ҳар хил тасодифларга шай бўлиб турадилар. Ишдаги юксак касб маҳорати, аниқлик ва уддабуронлик уларнинг фаолиятларига хос хусусиятлардандир.

Суратда: марказлаштирилган қўриқлаш пультада огоҳлантирувчи сигнал ишлаб кетди ва оператор Ж. Петрова дарҳол бу ҳақда навбатчи гуруҳни хабардор қилмоқда; марказлаштирилган пулт бошлиғи милиция кат-



та лейтенанти К. Отахонов (ўнгда) ва машина ҳайдовчиси Ш. Юнусов ташвишли хабарни қабул қилиб олишмоқда. Бир неча дақиқадан сўнг улар воқеа юз берган жойда бўладилар.

Суратқам Б. МИРЗАҲАМИДОВ.

ХАЛҚ НОИБИ БИЛАН УЧРАШУВ

Бугунги иқтисодий тақчиллик даври бир қанча жиноятларнинг келиб чиқишига олиб келмоқда. Жойларда давлат ва шахсий мулк ўғирликлари, чайқовчилик, фирибгарлик, қотиллик, талончилик каби жиноятлар кўп-лаб содир этилмоқда. Косаси оқармаган халқнинг дарди, изтиробин, қайғу ва ташвиши ҳам жамиятда вужудга келган тузумга боғлиқдир. Шу боис ҳам улар кимдан, қандай мадад олиш кераклигини яхши тушунадилар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ ноиб, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи,

милиция полковниги Б. Парпиев халқ билан бирга нафас олади. Беминнат хизматидан меҳнаткашлар мамнун. Унинг иштирокида ўтказилган учрашувлар қизиқарли ўтмоқда. Кунга кеча мана шундай учрашувлардан бири вилоят ички ишлар бошқармаси биносида бўлди. Унга вилоят касаба уюшмаси вакиллари таклиф этилди.

Вилоятимизда жиноятга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган вазифалар қанчалик мураккаб бўлмасин, ички ишлар ходимлари унинг нечоғлиқ масъулиятли

эканлигини ҳам унутганлари йўқ. Шунинг учун ҳам заҳматкаш ходимлар кунни тунга, тунни тонгга улаб халқ осойишталигини сақлаш учун тинимсиз ҳаракат қилмоқдалар. Меҳнатлари зое кетмайпти. Фуқаролардан бошқармага келаётган миннатдорчилик мактублари бунинг исботидир. Учрашув давомида вилоят ички ишлар ходимлари томонидан фош этилган жиноий ишлардан лавҳалар намойиш этилди.

Самнижон ҲУСАНЗОДА,
Андижон шаҳри.

МИНГБУЛОҚ ФИДОИЙЛАРИ

Наманган вилояти Задарё туманида жойлашган Мингбулоқ қишлоғининг номини бир неча кун ичида сайёрамизнинг деярли барча ишбилармон кишилари яхши билиб олдилар. Сирдарё қирғоғи яқинида жойлашган бешинчи қидирув қудуғидан мазкур йилнинг 2 мартда кўп миқдордаги нефть маҳсулотлари фаввораси осмонга отила бошлади. Уни бошқариб бўлмай қолди. Мойсимон қора устун зарарланган арматура тўсигини ёриб ўтди ва қудуқ атрофидаги катта майдонга ёйилиб кетди. Фалокат юз берган кун қудуқнинг чуқурлиги аслида 5237 метрни, юзасининг кенлиги 245 метрни ташкил этди. Қудуқ тагидаги босим 1290 атмосферага, отиладиган фаввора босими 196 атмосферага тенг бўлди.

— Фалокат ҳақида бир соат ўтмаёқ хабар олдик ва шошилиш чоралар кўра бошладик, — деб ҳикоя қилади Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлимининг бошлиғи ички хизмат полковниги Аҳам Хасанович Ёқубов. — Соат 16 даёқ бахтсизлик содир бўлган ерга Задарё туманидан ҳамда Андижон вилоятидаги Балиқчи шаҳарчасидан учта оператив бўлинма етиб келди.

Республика ИИБ ЁМҚБнинг бир гуруҳ ходимлари ҳам ўз бошлиқлари билан бу ерга шошиладиган эдилар. Ёқубовнинг ўринбосари ички хизмат полковниги Евгений Николаевич Новиков ўша кунлари шифохонада даволанаётган эди, лекин у

ҳам Мингбулоққа етиб келди.

Ёнгин чиқиш хавфи туғилди, зеро нефть ҳар дақиқада аланга олиб кетиши мумкин эди. Сирдарё мазкур қудуқдан 120 метр наридан оқиб ўтади. Ана шу табиий сув манбаига автоцистерналарнинг сўриб олувчи мосламалари туширилди. Нефть ёниб кетмаслиги учун махсус қурилмадан икки оқим берилди. ИИБ ЁМҚБ раҳбарияти вазиятни баҳолаб чиққач, қўшимча куч ҳамда воситаларни жалб этишга қарор қилди. Ўша кунини Тошкентдан бешинчи минтақа қутқарув отряди шахсий таркибидан йигирма киши, Тошкент вилоятидан автоцистерналарда иккита бўлинма, Андижондан кўпик билан ўт ўчирадиган машина ва Республика Нефть саноати вазирлигининг махсус машинаси етиб келди. Нефть фавворасини совитиш ва шахсий таркибни муҳофаза қилиш учун учта оқим ташкил этилди. 600 метр нарида эса одамлар ва техника учун махсус бошпана қурилди.

Икки кундан кейин оқ фалокатни бартараф этиш ва ёнгинга қарши чора кўрувчи оператив штаб ишлай бошлади. Нефть оқиши давом этарди, шу сабабдан хом ашёни тўплаш учун тупроқ омборлари қурила бошланди. Дарё ёқаси бўйлаб қурилган дастлабки канал тез орада тўла бошлади ва агар нефть дарёга оқадиган бўлса экологик фожеа рўй бериши аниқ бўлиб қолди. Тупроқ омборлари қурилиши билан

бир вақтда нефтни Оқтош темир йўл бекатига, ундан сўнг эса нефтни қайта ишлаш, асфальт-бетон заводларига олиб кетиш ташкил этилди. Республика ўтни ўчириш ходимлари фалокат содир бўлган ерда туну кун навбатчилик қилдилар.

Март охирига бориб, аниқроғи 27 мартда омборларда анча нефть тўпланиб қолди, уларнинг умумий майдони 48 минг квадрат метрни ташкил этарди. Бир кунда қудуқдан отиладиган нефть 15-17 минг тоннани ташкил этгани ҳолда уни олиб чиқиб кетиш 10-15 минг тоннадан ошмас эди. Аҳолини эвакуация қилиш масаласи кўндаланг бўлиб қолди.

Қудуқни уч маротаба ҳар хил нарсалар билан беркитишга уриниб кўрилди, лекин бундан наф чиқмади. Шундан сўнг нефть фавворасига ўт қўйиш масаласи муҳокама қилинди. Юзага келган вазиятда бу бирдан-бир тўғри йўл эди. Бутун эҳтиёт чоралари кўрилди.

Нефть отила бошлагандан роппа-роса бир ойдан сўнг, 2 апрель соат 15 дан 40 дақиқа ўтганда пармалаш мосламасини бузиш бошланди. Металл конструкциялари ажратилаётган пайтда ҳосил бўлган учкундан фаввора ёниб кетди. Олов 150 метрга, қуюқ қора тутун эса уч километргача кўтарилди. Ўт ўчирувчилар олдида оловни омборларга ўтказмаслик вазифаси турар эди. Кеч соат 9 гача бунинг уддасидан чиқилди. Шундан беш

дақиқа ўтгач эса энг яқиндаги омборга ўт кетди. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан зудлик билан яна 15 та ўт ўчирувчи бўлинмалар етиб келди. Ёнгин 3 апрель соат бешгача бир чегарада ушлаб турилди. Одамлар тун бўйи олов билан курашиб чиқдилар. Бу вақтга келиб, олов майдони 25 минг квадрат метрга етган эди. Уни уч бўлакка бўлиш имкони топилди.

Кураш қурбонларсиз бўлмади. Яқинда худди шундай фалокат Туркменистон заминидан ҳам рўй берган эди. Табиий офат билан курашда уч киши ҳалок бўлди, 20 киши жароҳат олди. Мингбулоқда эса ўт ўчирувчиларнинг маҳорати, хавфсизлик чоралари ўз вақтида кўрилганлиги туфайли қурбонлар бўлмади. Лекин Қашқадарё вилояти ИИБ ўт ўчириш бўлимининг катта ёрдамчиси ички хизмат капитани Сергей Иванович Мед, республика ИИБ ЁМҚБ бешинчи минтақа ихтисослаштирилган отрядининг муҳандиси ички хизмат катта лейтенанти Сайидазим Саидғаниевич Рўзиевлар ўт жароҳати олдилар. Уларнинг ва бошқа ўнлаб мардона кишиларнинг номлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мингбулоқдаги ёнгинда жасорат кўрсатганларни мукофотлаш ҳақидаги Фармонида тилга олинган.

3 апрель эрта тонгда — соат 6 дан 7 дақиқа ўтган

да шамол ўз йўналишини кескин ўзгартириб, оловни дарё томондан омборларга бўлиб юборди. Қудуқ билан омборлар ўртасида одамлар билан техника жойлашган эди. Олов билан кураш олиб бориш чоғида уларни олиб чиқиш бошланди.

Кеч соат еттиларга келиб, омбордаги нефтнинг асосий қисми ёниб бўлди, ёнгин майдони бир мунча қисқарди, оташ ҳам пасайди, бу омборларни тупроқ билан кўмиш имконини берди. Шу кунини қудуқ тепасини тозалаш ишлари бошланди, ёнаётган нефтни бошқа томонга йўлловчи канал қазилди. Ҳамма тинимсиз сепилиб турган сув остида ишлар эди. Сувни республиканинг барча томонларидан етиб келган ўт ўчириш ходимлари татминлаб туришди.

14 апрель кун Республка штаби қудуқни танклардан ўққа тутиш ҳақида қарор қабул қилди. Фарғонадаги ички қўшинлар бўлинмаси ишга солинди. Хавфли майдон олти участкага бўлинди ва яқин ўртадаги аҳоли олиб чиқиб кетилди. Ўқ отиш кўнгилдагидай ўтди. Шундан сўнг тўрт кун давомида бешинчи қудуқдан Оқтош бекатигача ётқизилган нефть қувури синовдан ўтказилди. У асосан ер остида ўтади.

Ўт-оташ тинчий бошлади ва ниҳоят, кишилар жасорати олдида бўйин эгишга мажбур бўлди.

М. СУЛАЙМОНОВ.

ХИЗМАТГА ТАЙЁРМИЗ

Кунларнинг исиб кетиши муносабати билан ёнгин хавфининг кучайиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Айни кунларда ҳамма нарса ҳам пуф десанг тутун чиқадиган ҳолда чирсиллаб турибди. Бу эса ёнгиндан сақлаш хизмати ходимларининг ташвишини янада ошириб юборади. Умуман олганда, йил — ўн икки ой улар оёқ узатиб ётишмайди. Ҳаво совий бош-

лади дегунча иситиш анжомларидан фойдаланишнинг тўғри-нотўғрилиги, бундан чиқадиган машмашалар, ёзда эса аҳволни ўзингиз тушунасиз...

Шундай бўлишига қарамай бу касбга ишқибоз ёшлар кўп. Тошкент ёнгиндан сақлаш техника билим юрти эса бундай ёшларни малакали мутахассис, ўз касби-

нинг устаси қилиб етиштиради.

Бу ерда курсантлар фақат назарий билим олиш билангина чекланиб қолмай, амалий машғулотлар билан ҳам мунтазам шуғулланиб боришади. Бу эса хизмат чоғида дуч келадиган илк қийинчиликларни бартараф этишда жуда қўл келмоқда.

Ҳабиб ШУКУР.



СУРАТЛАРДА: назарий ва амалий машғулотлар чоғида. Ҳ. ШОДИЕВ олган сураатлар.

Бир жиноят тахлили

Ўтган йилнинг 17 ноябрга ўтар кечаси аввало, Урганч шаҳридаги Улугбек кўчасида жойлашган 14-уйда истиқомат қилувчи Мақсуд Абдуллаевнинг, қолаверса бутун маҳалла-куйдагиларнинг умрбод ёдидан чиқмайдиган бўлиб қолди.

Мақсуд ўша кунни уйлан-ди, умрининг ҳаяжонли ва фарахбахш фасли бошланди. Ўша тантананида белига қамиш боғлаб хизмат қилган Ганжа Абдурахмоновнинг умрига эса сўнгги ва бутунлай ҳал этувчи нуқта қўйилди. Ўша тун Мақсуд ёнида ҳаё ва ибодан хиёл қизарганча ойдайд тўлиб ўтирган келинчакка масрур тикилган бўлса, баданига бир неча бор пичоқ ботирилган Ганжа сўнгги марта «Оҳ!» деб юборди, кейин унинг мурдаси «Сервиз» меҳмонхонаси ёнидаги ариқда қолиб кетди...

Улар учовлон эдилар. Учаласи ҳам эндигина 22 баҳорни қаршилаган пайт. Йигит кишининг куч-қувватга тўлиб, ўзи ва ўзгалар учун фақат фойда келтирадиган даври. Аммо уларнинг бирортаси ҳам фойдали меҳнат билан шуғулланмасди. Уларнинг ҳаммаси ҳам тоғни урса талқон қилгудек қудрати борлигини ҳис қилар, аммо бирор жойга ишга киришни ўзига эп кўрмас, тўғрироғи бўйи ёр бермасди. Ким билади дейсиз, эҳтимол аксинча бўлганида Шомурод Иброҳимов, Баҳодир Тангриберганов, Андрей Ерннэзовлар қўлларини беғуноҳ бир инсон қонига бўяшмасиди...

Аввалига куёв боланинг дўсти Шомурод Мақсуднинг висол оқшонида оёғи олти, қўли етти бўлиб хизмат қилаётганди. Нафсиламбирини айтганда, уни мезбон дейиш ҳам мумкин эди. Аммо Ганжа Абдурахмонов «Национал-М-7» белгили видеокамераси билан тантанани тасвирга тушира бошлади ҳамки, унинг нияти ўзгарди-қолди. Дастлабига бунга бошқа-

лардан сир тутди. Иложи борича Ганжа билан яқинлашишга, ишончини қозонишга интилди. Ва мақсадига етди ҳам.

— Шомурод, иш чиқиб қолди, уйга бирров бориб келишим керак, — деди Ганжа унинг қўлига шишип.

— Бирорта машина топилармикан?

— Бир амаллармиз, — деди Шомурод пича ўйланган бўлиб.

Икковлон ташқарига чиқиди. Ҳа деганда машина

йинлигини айтгандик. Бекорчидан худо безор, биров бундайларга бир тийин тутқазмайди. Пул эса ҳаммага керак. Айниқса, нарх-наво терак бўйи кўтарилиб кетган айни замонда. Хуллас, улар тантана тугалланиш арафасида тўйхонада учрашгани, кейин нима қилишни келишиб олдилар. Қўнгли таскин топган Шомурод югуриб Ганжага етиб олди...

Висол оқшони авжида. Ҳамманинг лабиди табассум. Куй-қўшиқ янграйди. Йигит-

ганлари учун ҳар иккисига ташаккур билдиргач, Шомурод Ганжага юзланди.

— Юринг, сизни ўзим кузатиб қўяман.

— Майли. Аммо сиздан жуда хурсанд бўлдим. Жуда шинаванди йигит экансиз. Менга кўп ёрдам қилдингиз, — деди видеотасвирчи оғзининг таноби қочиб.

— Боя айтдим-ку, Мақсуд жонажон дўстим бўлади. Аввало унинг ҳурмати, қолаверса ўзингиз ҳам дилимга ўтиришиб қолдингиз.



топилавермагач, «Новая» кўчаси бўйлаб бозор яқинидаги такси тўхташ жойига равона бўлдилар. Тўққиз қаватли бинолар ёнида ўтиб боришга яқин, ногаҳон Шомуроднинг танишлари Баҳодир ва Андрейлар учраб қолди.

Одоб юзасидан Ганжа уларни бир неча сония ҳоли қолдиришга қарор қилди ва бир-бир босиб илгарилар кетаверди.

— У ким? — сўради Баҳодир Шомуроддан.

— Видеочи, Мақсуднинг тўйини тасвирга тушириб юрибди. Таксида уйига бирга бориб келмоқчийдик.

Шомурод шундай дедию ҳар эҳтимолга қарши чамаси йиғирма-ўттиз қадам нарида секин-аста кетаётган ҳамроҳига қараб олдида, яна дўстларига юзланди.

— Унинг видеокамераси, биласизларми, қанча туради? Камида 70 минг! Қўлга киритолсак, зўр иш бўлардида.

Юқорида бу уч йигитнинг бирортаси ҳам беиш, бета-

лару қизлар солланиб, солланиб хиром этишади. Ва навбат билан келин-куёвга кўнглида неки бор яхши тиллаклари изҳор қилишади. Ганжа эса уларнинг ҳаммасини лентага тушириш учун ҳаракат қилапти. Ёнида ёрдам бериш мақсадида чироқ кўтариб юрган Шомуроднинг хаёлида эса машъум режа пишиб етиляпти. Аммо бу ҳозирча сир.

Бу пайтда Баҳодир ва Андрейлар ҳам шаҳар кўчаларида оч бўридек изғишмоқда. Эсаётган куз шабадаси этни жунжиктиради. Дадил бўлиш учун ресторанда «қиттак-қиттак» қилишди. Соат 23 лар чамасида тўйхонага равона бўлдилар.

Уларни кутиб олган Шомурод яна ароқ билан сийлади. Одамлар тарқала бошлаган маҳалда у ўртоқларига оҳиста шивирлади:

— Мен ҳозир Ганжа билан чиқаман. Сизлар ортимиздан бораверинглар. Хилватроқ жойда...

Орадан кўп ўтмади. Уй соҳиблари яхши хизмат қил-

Улар «Сервиз» меҳмонхонасига яқинлашганларида, бир йигит сигарета сўраб тўхтатди. Бу — Андрей эди.

Шомурод ҳамроҳининг кўзини шамғалат қилиб, унга имо-ишора — билан нимадир деди. Андрей тушунди, аммо жўрттага меровланиб, Баҳодирнинг олдида борди.

— Пичоқ ур, деяпти! — деди эшитилар-эшитилмас.

— Нимага урмадинг?

— Эплай олмасам керак. Ҳеч бунақа қилмаганман.

— Ундай бўлса, ўзимга қўйиб бер! — Баҳодир шундай дея Шомурод ва Ганжага яқинлашди.

Ганжа шундагина билди яхши йигит дегани илонинг ўзи эканини! Кеч бўлсада, ялина бошлади.

— Шомурод, сени танийман-ку, пичоқ урманглар!

— Ҳа, танийсан, шунинг учун ҳам ўлдирмасак бўлмайди сени!

Учовлон бир кишига ҳужум қила кетишди. Юз кўзи демай тепкилашаверди. Кейин эса дуч келган жойига пичоқни ботириб олишавер-

ди. Буткул жони узилганига ишонч ҳосил қилишгач, видеокамерани, чўнтагидаги 380 сўм пул ва ҳужжатларини олиб, жўнаб қолишди.

Шу кетишда Шомуроднинг Урганч туманида яшовчи опаси Саодатнинг уйига боришди. Аммо уй бекаси қаёққадир кетган шекилли, Тошқовуздан меҳмон бўлиб келган синглиси Гулистонни учратишди. Шомурод ундан видеокамерани сотиб олишни ёки қимгадир пуллаб беришни сўради. Аммо сингил кўнмади.

Бу ишни шу кечадаёқ ҳал этиш керак, йўқса сир очилиб қолиши ҳеч гапмас.

Шу боис Тўртқўл туманига йўл олишди. Бу ерда Шомуроднинг ҳарбий хизматда танишган ўртоғи Байрамат Аразмухамедов истиқомат қиларди. Лекин яна омадлари юришмади. Байрамат пули йўқлигини айтиб, Шомуроднинг: «Шу матоҳни ўн минг сўмга бўлса ҳам сотиб ол», — деган таклифини рад этди. Шундан кейин шалвираган қўйи Тўртқўл шаҳрига отландилар. Андрейнинг қариндоши Александр Иванов хонадонига қадам ранжида қилдилар.

Бу пайтда жиноятчиларни қўлга тушириш юзасидан Урганч шаҳар ИИБ томонидан оператив гуруҳ тузилган, гуруҳга вилоят ИИБ жиноят қидирув бўлими бошлиғи, милиция полковниги Омон Қаландаров бошлиқ этиб тайинланганди.

Изқуварлар қисқа вақт ичида тиним билмай қаттиқ ишладилар ва уч қотилни ҳам бирин-кетин ҳибсга олдилар.

Яқинда вилоят суди ушбу қабохатни атрофлича кўриб чиқди ва Шомурод Иброҳимовнинг ўлим, Баҳодир Тангриберганов, Андрей Ерннэзовларнинг ҳар бирини 15 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этди.

М. НАВРҲАЗАЛИЕВ,
Хоразм вилояти ИИБ ходими, милиция лейтенанти.

ЖИНОЯТЧИЛАР

Жазо муддатини Кемерово вилоятида ўтаётган Сергей охири пайтда итоаткор бўлиб қолганди. Бу муассаса ходимларини қувонтирдию, бироқ сергаклангирмади. Ҳеч ким унинг айёрона боқётган кўзлари ниқоблаб турган қалтис ният шарпасини илғаб ололмади. У эса пайт пойлаб, қамоқхонани шундай усталлик билан тарқатдики, ҳеч ким билмай қолди.

Эслатиб ўтайлик, бу воқеа 1988 йили юз берганди. Қоққни тутиш учун олиб борилган ҳаракатлар зое кетди. 1989 йилда Бутуниттифоқ қидируви эълон қилинди. Бироқ ушбу тадбир ҳам самарасиз қолди.

Сергейни қидиришганми-кан ўзи? Еки ўша даврдаги (ҳозирда ҳам) доли-ғулилар шабадаси кемероволик милиция ходимлари кайфиятига таъсир этганми-кан? Шундай бўлмаса, олис юртдан қочган жиноятчи Ўзбекистонда қандай пайдо бўлди? Тўғри, юртимиз кенг. Сергей ҳам «Ватаним — СССР», деб кўз очганлардан. Бошқа томондан олиб қарасак, бундайлар учун жойининг фарқи йўқ. Қорни тўйиб, жони қийналмай кунни ўтса бўлгани. Унинг Бухорои шарифга қандай йўллар билан, қачон келиб қолгани номаълум. Би-

роқ содир этган жиноятларига (ўзи ёзган кўрсатмаларга) қараганда, бу муқаддас шаҳарда 1990 йилда пайдо бўлган. Бу ерда ўзига мос ҳамтовоқлар топиб, 1991 йилнинг январидеёқ «ишга» киришган. Дастлаб-

Тумшугидан
илинди

ки пайтда ушбу гуруҳ уч кишидан — 1953 йилда туғилган Олим Мавлонов, 1960 йилда туғилган Музаффар Ализодалардан ташкил топганди. Кейинчалик унга бошқалар, Аёллар ҳам ихтиёрли равишда қўшилиб, кенгайди.

1991 йилнинг 12 январи. «Москвич» автомашинаси Бухоро вилоятининг Свердлов туманига елиб бормоқда. Йўлда машиналар қатнови камаймоқда. «Москвич» Киров номли жамоа хўжалигида жойлашган ошхона ёнида тўхтади. Ундан уч йигит тушиб, ошхона томон йўналди. Лекин негадир бинонинг олд эшиги қолиб, орқа эшигига яқинлашдилар.

— Бизга бош ошпаз керак эди, — деди улардан бири идиш ювувчи аёлга. Ҳаялламай бош ошпаз кўринди. — Шеф, бизга пул керак!

Қўлга
олинди

Сергей гапини тугатар-тугатмас йигитлардан бири қўшогиз милтиқ нилини «шеф»нинг кўкрагига тиради.

— Савдо энди бошланди. Кассадаги пулдан бошқа пулларим йўқ.

— Олиб чиқ!

Бош ошпаз ошхонага ҳатладно овози борича қичқира кетди.

— Ёрдам беринглар! Қароқчилар, тезроқ!

Йигитлар машина томон югуришди. То ҳўрандалар гап нимадалигини тушуниб, ўринларидан қўзғалгунча қароқчилар жуфтани ростлашди.

Эртаси кунни улар «Тўда-кўл» дам олиш ҳудудига отландилар. Бу ерда жойлашган ошхона мудиридан 1000 сўм талаб қилишди. Милтиқ ва тазийқлардан саросимага тушган мудир айтилган миқдордаги пулларни ёринг демай топширди. Ҳатто бу мудқиш воқеани у милициядан ҳам яширди.

16 январь кунни қуролланган тўда Л. Варганованинг уйига бостириб кирди. Шўр-лиқнинг 100 сўмгина пули бор экан. Шунга ҳам оғасига раво кўришмади. Аммо бунга қаноатланмай янги-янги жиноятларга қўл уришди.

17 январда кўчада ўйнаб юрган Баҳодирни ўғирлаб,

уни танишларидан бирининг уйига яшириб қўйишди. Сўнгра отасининг олдида келиб, 10000 сўм пул талаб қилишди. «Олди-берди»нинг жойи ва вақти ҳақида келишиб олинди. Эртаси кунни улар белгиланган жойда ҳозир бўлдилар.

Бухоро вилояти ИИБ ходимлари «савдо»га халал бермасликка, босқинчиларни кузатишга аҳд қилдилар. Уларнинг қароргоҳларини билгач, эртаси кунни ҳаммалари жамуўлам бўлганда қўлга олишди. Бу пайтда М. Ҳамроев, М. Ализода, С. Шварев, Б. Намозов, И. Солодилова, Г. Ҳидоятвалар ичишиб, айш-ишрат билан машғул эдилар. Ҳаммаси гиёҳвандлик таъсирида бўлиб, анча-мунча наркотик моддалар, шприцлар, ниналар ашёвий далиллар сифатида олинди. Тёронова гуруҳ аъзоси О. Мавлонов илгари ҳам қамалгани, уйини исловатхонага айлантириб, миқозларини наркотик моддалар билан таъминлаб туриши маълум бўлди.

Тўданинг яна бир вакили Б. Намозов тирякфуруш бўлиб, зарурати келганда наркотик моддаларга қурол алмаштириш ишлари билан шуғулланиб келаркан.

Тергов вақтида М. Ҳамроев Тошкентда ҳам анча жиноий ишга қўл уриб, имижимида, қочиб юрганлиги маълум бўлди ва у пойтахт терговчиларига топширилди.

М. ИБРОҲИМОВА.

ТЕРГОВ ДАВОМ
ЭТМОҚДА

Ўтган йилнинг ноябрь ойидан буён Шайхонтоҳур тумани ҳудудига ўғрилиқ кўпайиб қолди.

Дастлаб Г. Исроилов боқиб қўйган учта қўйни кечаси номаълум шахслар ўмариб кетишди. Орадан кўп ўтмай эса Ф. Тўхтаўжаев олти бош қўйини қимдир оғил орқа деворини бузиб олиб чиқиб кетганини айтиб қолди. Бу орада озроқ вақт тинчлик бўлиб турдию, сўнг М. Абдураззоқованинг кўмирхонаси девори бузилиб учта қўйи иккита қўзичаси билан ғойиб бўлди. Бундан ташқари фуқаро Т. Олимжонованинг уйидан ҳам ҳар хил майда чуйда, жами — 1610 сўмлик, нарсалари йўқолди.

Милицияни содир этилаётган ўғриликларнинг бир хилиги қизиқтириб қўйди. ғи хонадонда бир гуруҳнинг иши, деган бир тўхтамага келишди.

Яқинда Колхоз кўчасидаги хонадонда бир гуруҳ қўлга олинди. Ўша гуруҳнинг аъзоларидан бири — Рустамнинг ёнидан ҳар хил ниқоблар, ракета тўппончаси, қўлқоп, арқон топилди, шубҳасиз, булар жиноят содир қилиш учун мўлжалланган эди.

Рустамга нисбатан ЖМнинг 125-модда 2-қисми билан жиноий иш қўзғатилган. У эса юқоридаги ўғриликларга қўл урганини тўлиқ тан олди. Тергов давом этмоқда.

Х. ЕҚУБОВ.

Хизматларда

ДАН

ҲАРАКАТ БЎШАШМАСИН

Пойтахт вилояти ҳудудида ҳаммаси бўлиб 131 та темир йўллардан кесиб ўтиладиган жойлар бор. Тажрибадан кўриниб турибдики, бу ерлар йўл-транспорт ҳодисалари кўп содир этиладиган ўчоқларга айланиб қолмоқда. Чунки айрим ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларининг 16.3-банди талабларини қўпол равишда бузмоқдалар. Мисолларга аҳамият берайлик.

Ўрта Чирчиқ туманида яшовчи Абдулхай Абдулхалилов ўз «Волга»сида темир йўл чорраҳасидан светофорнинг қизил чироғи ёниб турганига қарамай ўтиб кетди. ДАН ходимлари бу қоидабузарлик ҳалокат билан тугамаганлигига шукур қилдилар ва айни пайтда сабоқ бўлар деган умидда А. Абдухалиловга жарима солдилар.

Шу тумандаги 3-автокорхона ҳайдовчиси Алексей Смаилов ҳам «РАФ-22031» белгили 60-43 ТШЛ рақамли машинасида йўловчилар борлигини ҳам эътиборга олмай, рул бошқаришдаги «махорати»ю «эпчиллиги»ни кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Чорраҳадаги тўсиқни айланиб, яқинлашиб келаётган поезднинг олдида ўтиб кетди. Ходимларимиз уни шу ҳатти-ҳаракати учун икки ой муддатга транспорт бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилишди. Илинж битта — у керакли хулоса чиқариб олсин, кейин ҳам ўзининг ва

ўзгаларнинг ҳаётини хавф остида қолдирмасин.

Оққўрғон туманилик Худойберди Анорқулов ҳам юқоридаги каби «мардлик» кўрсатди. Йўлни тўсиб турган тўсиқни айланиб ўтиб, ҳаракатни давом эттирмоқчи бўлди. Натижада беш ойгача транспорт рулини бошқариш имкониятидан айрилди.

Эҳтимол баъзи кишилар: «Бирор қор-қол бўлмабди, шунчаки огоҳлантириб қўйилганда ҳам бўларди-ку!» — деб эътироз билдиришар, эҳтимол милиция ходимларини расмийчиликда айблашар? «Бу бечоралар ҳайдовчилик қилиб, шунинг эвазига рўзғор тебратар, уч ёки беш ойгача унинг болалари ризқини қийиш шартмиди?» — деб ранжишлари ҳам мумкин.

Бу борада чуқурроқ мулоҳаза юритилиши керак. Халқимизда кўза кунда эмас, кунда синади, деган нақл бор. Худо кўрсатмасин агар бирор фалокат юз берса, унинг асорати тирик қолган яқинлари учун уч ёки беш ой эмас, бутун умрга татийди.


Ўтган июнь ёйи давомида вилоятимиз ҳудудида «Диққат, темир йўл чорраҳаси!» деган тадбир ўтказдик. Шу аснода автокорхона, ташкилот, давлат ва жамоа ҳўжаликларида бўлиб, суҳбатлар ўтказдик ва юқоридаги мулоҳазаларни уларнинг онгига етказишга ҳаракат қилдик. Фақат шунинг ўзи билан-

гина чекланмай темир йўл чорраҳалари аҳволини текширдик. Боя айтганимиздек, вилоятимиз ҳудудида 131 та темир йўллардан ўтиш жойлари бор. Шулардан 79 таси мутлақо талабга жавоб бермаслиги аниқланди, 80 таси таъмирланишга муҳтож, 57 таси ёриткичлар билан таъминланмаган, 38 тасидаги тўсиқлар калта, яъни йўлни тўлиқ беркитмади.

Яна шу нарсага ишонч ҳосил қилдикки, ҳамюрт-ҳайдовчиларнинг шовқалоқликлари, бир неча сониялик вақтни қизганишлари гоҳида қимматга тушмоқда. Поезд билан юз бераётган тўқнашувларнинг 80 фоиздан ортиғи ўлим билан тугамоқда.

Бир ойлик тадбир ниҳоясига етди. Аммо мақсад ҳали амалга ошгани йўқ. Биз темир йўл чорраҳаларидаги ўткир муаммоларни аниқлаб олдик холос. Уларни батамом тугатиш эса ДАН ходимларидан ҳам, темир йўлчию ҳайдовчилардан ҳам барабар ҳаракат қилишни талаб қилади, ҳамкорликни тақозо этади. Шу боис темир йўллар билан боғлиқ фалокатларнинг олдини олишда курашни сусайтирмаслик лозим.

Сайдулла АЗАМАТОВ,
Тошкент вилояти ИИБ
ДАН бошқармаси бош-
лиғи, милиция подпол-
ковниги.



Суратда: Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ йўл-патруль хизмати взвод командири милиция майори Комил Матчинов ва инспектор милиция кичик сержанти Олим Валибеков билан машина ҳайдовчисининг гувоҳномасини кўздан кечирмоқдалар.



Суратда: Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ ташкилий таҳлил гуруҳи назоратчиси, милиция катта лейтенанти Клара Гаффорова милиция фаҳрийси Галина Просветова билан транспорт йўлларида содир этилган бахтсиз ҳодисаларни анализ қилишмоқда.

ЖҚ

БОҒЧАДАГИ ҚАЛЛОБЛИК

— Ўзингизни қўлга олинг-да, ҳаммасини бир бошидан тушунтиринг, — деди оператив навбатчи, милиция катта лейтенанти Қосимов. — Мана бу ерга ўтириб олинг, опа...

Оператив гуруҳ кўз очиб юмгунча жамланиб, воқеа содир бўлган жойга жўнаб кетди. Улар орасида бошлиқ ўринбосари, милиция подполковниги Эргаш Маъруфов, бош терговчи Ҳотамбек Раҳимов, жиноят қидирув бўлими маси бошлиғи милиция майори Равшанбек Воҳидов, ходимлардан А. Қодиров, Д. Холматов, М. Иброҳимов ва бошқалар бор эди.

Орадан ропша-роса 21 кун ўтгач, Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори А. Усмонов номига мактуб келди. Унда жиноят моҳирлик билан фош этилгани, жами 2863 сўмлик буюмлар жойига қайтарилгани учун мамнуниятли дил сўзлари изҳор этилганди.

Бунгача амалга оширилган ишлар эса бир китобга бемалол мавзу бўла олади.

Оператив гуруҳ жиноят содир этилган жойини индан-ингасигача кўздан кечириб чиқди. Ходиса анча пинҳини ёрган жиноятчилар томонидан содир этилганлиги аён, ўғри ёки ўғрилар совуққонлик билан бамайлихотир «ишлаганди». Пилла-поядан иккинчи қаватга кўтариллишди. Омадин қарангки, деразалардан бири беркитилгану ичкарисидан халқаланмаган экан. Уни очиб услубият хонасига тушишди. Ичкари эшик қўлфлог-

лик эди. Ойна раҳидаги миҳчаларни суғуриб ойналарни олиб қўйиб, залга киришди...

Гуруҳ бош терговчи Х. Раҳимов йўл-йўриқлари асосида ҳар қарич ер, ҳар бир буюм ва ўзгаришни назардан қочирмади. Эксперт А. Қодиров бармоқ изларини аниқлаш учун улар қолиши мумкин бўлган жойларга махсус кимёвий моддалар билан ишлов берди. Бир ҳақиқат бор: жиноят иссиз бўлмади. Нималардир худди жонлидек уларни «кўриб», «хотирлаб» қолади.

Бу гал ойна бўлакларидан бармоқ излари қолганди. Ўша кундаги сазй-ҳаракатларнинг асосий натижаси шу бўлди, холос. Аниқланган вазият ва ҳолат А. Усмонов ҳузурида муҳокама этилди. Тезкорлик билан жиноятни фош этиш режалари тузиб чиқилди.

Қидирув туну кун тўхтатилмади. Боғчага кириб-чиқиб турувчиларни яна бир карра обдон сўроқдан ўтказилди. Ўзига тўқ оиладан бўлган, Шаҳрихон қурилиш монтаж бошқармаси биносини ертўласига жойлашган дўкон сотувчиси Қобилжон Турдалиев жиноят қидирув бўлими оператив вакили Доинёр Холматовни шубҳалантириб қўйди. Унинг гаплари, кўрсатмалари пойинтар, сойинтар, чалкаш, чигал эди. Гумондорнинг бармоқ излари экспертизага юборилди. Айнан шу экан. Аммо гумондор пинагини ҳам бузиб қўймади.

— Хўп, нима бўлибди? Шунга ҳам ота гўри-қозихонами? Боғчага кириш таъ-

қиқланган эмас. Кириб турамиз. Бармоқ изларимиз қолган бўлса қолгандир. Лекин бунинг ўғрилиқка нима даҳли бор?

У терговдаги кўргазмасида воқеа содир этилган тунда — соат учлар чамасида қабристон ўртасидаги йўлакдан ўтиб бораётганида, узоқдан иккита номатълум шахс алланарсаларни мазор ичига ташлаб кетиб қолнишганини кўрганини, эртада ўша жойга бориб қараганида ўғирланган буюмлар эканлигини, орадан икки кун ўтгач, телевизор ва электрофонни таниши Акмал Икромовга фойдаланиб туриш учун берганлигини, гиламполосларни эса далага ташлаб юборганлигини, лекин таниши ўтган тунда телевизор ва электрофонни унинг уйига ташлаб кетганидан сўнг бу буюмларни мазор ичига яшириб қўйганлигини, гўё «фуқаролик бурчини бажариб» бу ҳақда баёнот бераётганини айтди.

Бора-бора ушбу жиноятни Қ. Турдалиев шериклари Доинёр Даминов ва Усмоножон Қурбоновлар билан биргаликда содир этганлиги аниқланди.

Шунча воқеа, шунча саргузашт милиция ҳаётининг оддий иш кунларида юз берди. Бунинг учун, эҳ-ҳе, не-не машаққатларини бошдан кечиришга тўғри келмади, дейсиз.

Нима бўлганда ҳам болалар боғчасининг одатдаги ботинан осуда, зоҳиран шон-ҳаётни ўз ҳолига қайтди.

А. ЗОКИРОВ,
Шаҳрихон тумани ИИБ
бошлиғининг ўринбосари.



● Яккасарой тумани ИИБ катта участка назоратчиси милиция майори Азиз Саидазимов «Истиқлол» маҳалла қўмитасининг аъзоси ҳисобланади. У доимо маҳаллада ўтказиладиган тадбирларга бош-қош. Болалар эса дили жони.

Суратларда: А. Саидазимов болалар ҳамда маҳалла фаоллари даврасида.

СУРАТЛАРНИ Б. МИРЗАРАҲИМОВ ОЛГАН.

АРВОХ УРГУР

Янгиариқ тумани ИИБнинг Соқчилик бўлими катта инспектори милиция лейтенанти Қ. Султонов кеч соат 20 ларда уйга қайтаётганида. Йўлда қоп орқалаган кимсани учратди. Йўловчи юкнинг оғирлигидан ҳансирадди. Қаҳрамон қизиқсиниб «Қаерга борасиз? Ердамлашай», — деди. У нотаниш кимсани тўғри

ИИБга келтирди. Сабаби, Қаҳрамонга бораётган манзилгоҳини айтган шахс, таъмоман тескари томонга кетаётганди.

Орқалаган қопидан эса полос, 7 қўти чой ва бошқа буюмлар чиқди. Маълум бўлишича у тумандаги «Дўст-бобо» қабристонини масжиди-ни ўмариб келаётган экан.

Б. САЪДУЛЛАЕВ.

Таклиф, мулоҳаза, мунозара

Менинг фикрим

«Постда»нинг ҳар бир соини интиқиб кутаман. Қўлимга келиб тегиши биланоқ аввал варақлаб чиқишга ҳаракат қиламан ва шу аснода унга нисбатан қизиқишим тобора ортиб бораётганини ҳис этаман. Айниқса, кейинги пайтларда «Сиз кутган, кутмаган хабарлар», «Тавба денгу ёқа ушланг», «Бир жиноят таҳлили» каби саҳифаларга асос солиниши кўнгилдагидек иш бўлди. Бу ҳаракат нашримизнинг ўқимчилигини янада оширди, агар таъбир жоиз бўлса, нашрнинг қимматлашганини ҳам андалалаб ташладим.

Бир неча марта таҳририят ўқувчиларга минг истиҳола билан мурожаат қилиб, эндиликда «Постда» ҳафтада бир марта чиқиши сабабларини тушунтирди. Зарурат юзасидан қўл урилган бу ишни шахсан мен тўғри қабул қилдим. Бу рўзнома фаолиятининг сусайганидан далолат эмас, аксинча. Фақат шу нарсани қўшимча қилишни истардимки, янада қизиқарли, чуқур таҳлил этилган материалларни чоп этишга эътиборни кучайтирсангизлар.

Рўзноманинг 60- ва 61-сонларида эълон этилган «Қўлингдан келса...» номида мақола тўғрисида ўз фикримни баён қилмасликнинг иложи йўқ. Журналист И. Шомуродовнинг бу материални ҳайрат ва паллиларга нисбатан нафрат ила ўқиб чиқдим. Ҳали-ҳануз ўзимга келолмайман. Ва тасаввур ҳам этолмайманки, наҳотки ота бир пайтлар ўзи опичиб катта қилган қизалоғига томон ҳайвоний ҳис билан интилса?! Бундайларга онгсиз, ҳис-туйғусиз ҳайвон деган ном ҳам буюк мукофотдир назаримда. Янада ҳақоратли ташбеҳга муносибдир бундай кимсалар.

Ўзимча дейман: илоё, «Постда»нинг таъсири қор қилсин, ота бўлиб яралиб қолганларга инсоф, фарзандларга умр берсин.

А. ЕДГОРОВ.

(Қалам ҳақини рўзнома фондига ўтказишнингизни илтимос қиламан).

БИЗЛАР ҲАМ ХУДО ДЕЙМИЗ

Ўзбек халқининг бир қарашда кулгили, аммо чуқурроқ мулоҳаза юритилса, ўта пурҳикмат мақоли бор: қочган ҳам худо дейди, қувган ҳам.

Яқинда туманимиз ИИБ навбатчилик қисмига шошилинч хабар тушди. Янгиобод қишлоғида жойлашган 8-дўконга ўғри тушган ва 60 минг 171 сўмлик молларни ўмариб кетган.

Олдинда яна ташвиш, яна машаққат. Яна одатдагидек зудлик билан оператив қидирув гуруҳи тузилиб, унга раҳбарлик қилишни бошлиғимиз, милиция подполковниги Дадақўзи ака Рўзиев зиммаларига олдилар. Худо деб ишга киришдик.

Воқеа жойини синчковлик билан кузатиш асносида дўкон қоровули Аъзам Юнусов билан жиддий шуғулланишга тўғри келди. Аммо ҳозирча тўплаган маълумотлару далилларимиз жиноят тафсилотини тўласича очишга ожизлик қиларди. Чайқов бозорлари, муайян савдогарлар, ҳатто вилоятдаги баъзи дўконлар ими-жимида кузатилди. Гумонга олинган шахсларни ўрганиш ҳам самара бермади.

Кутилмаганда жиноят қидирув соҳасида суяғи қотган изқувар Ахтамжон Аминов хушхабар айтиб қолди. Ва шу тариқа муқаддам қаллоблиги учун судланган воҳилик Абдувоҳид Ҳошимов қармоққа илинди. У ўмарибган молларни таниши У. Мўминовга берган, У. Мўминов эса эҳтиёт чорасини қўллаб, ўша буюмларни Марғилон шаҳрида истиқомат қилувчи қайночасининг уйига беркитган экан.

Яна шу пайтгача айтилавериб, сийқаси чиқиб кетган гапни такрорламоқчиман: 25 ёшга кирган Абдувоҳидни иккинчи бор пешонасини деворга уришига нима мажбур этди экан? Ахир ота-онаси маҳалла-қўйда ўзларига яраша обрў-эътиборли одамлар-ку? Улар ноқобил фарзанд қилмиши учун иккинчи бор бошларини ҳам қилиб юришади-ми?

А. АБДУЛЛАЕВ,
Фарғона тумани ИИБ
терговчиси.

ТАҲРИРИЯТДАН: ҳар кун муштарийлардан бир даста хат оламиз. Турли мавзуда. Айримларида намуна кўрсатиб ишлаётган

милиция ходимларини уларнинг муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилинса, айримларида турфа хил таклиф-мулоҳазалар билдирилади. Чунончи, бир неча мухлис-ларимизнинг рўзномамизда эълон қилинаётган мақола-лар юзасидан эътироз билдирган мактублари ҳам қўлимизда турибди ҳозир. «Сизлар бирор жиноятни очган ходимларни мақтаб, осмон-фалакка чиқариб юбор-сизлар. Шу тўғрими? Ахир улар бевосита маош олаётган вазифаларини адо этишяпти-ку?» — дейишяпти.

Бир томондан олиб қараганда, улар ҳақ. У ёки бу кўринишдаги қонунбузарликни фойш этиш жараёнида ички ишлар ходимлари бевосита вазифаю бурчларини адо этишяпти. Аммо иккинчи томондан қараганда-чи?

Ҳозир ҳеч кимга сир эмаски, жиноятчи-унсурлар фаолияти кучайиб кетган. Ёнг замонавий қуроллару тақомиллашган транспорт воситалари ихтиёрларида. Қолаверса, қонунларимизнинг ожизлиги ҳам уларнинг фойдасига бўляпти. Қўлга тушсалар-да, беш-олти йиллик қамоқ муддатидан кейин яна очикча чиқишларини, яна

«фаолият»ларини давом эттиришлари мумкинлигини яхши биладилар ва шундан рағбат оладилар.

Милиция-чи? «Постда» бу ҳақда куюнчаклик билан кўп марталаб чиқиш қилди: ички ишлар ходимларини осойишталик посбонлари деймизу аммо шарт-шароитлари ҳаминқадар. Аввало қонунларимизнинг бир ёқлама «адолатли»лиги жиноятчиларни қўлга олиш ва айбини бўйнига қўйиш ҳамда қилмишига яраша жазолашда қўлга кишан бўляпти. Махсус асбоб-ускуналар, замонавий машиналар ҳозирча фақат орзу. Жиноятни таъқиб этиш жараёнида борлари шахсий транспортларидан фойдаланяптилар, йўқлар эса... имконият қидиришяпти. Лўдасини айтганда, айниқса жиноят қидирув ходимлари олаётган маошларининг бир қисми рўзгорларига эмас, хизматни адо этишга сарфланапти. Ҳолбуки иқтисодий тақчиллик улар турмуш тарзига ҳам соя ташлаган. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, юқоридаги каби милиция ходимлари эришган ҳар бир ютуқни олқишламаслик инсофдан эмас.

41 ГЕКТАР КЎКНОРИ

Айни кунларда жумҳуриятимизда «Қорадори-92» тадбири ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад гиёҳвандликнинг олдини олиш, наркотик ўсимликлар ўстириб, мўмай қолаётганлиги орттириб юрган шахсларни топиб, жиний жавобгарликка тортишдан иборатдир.

Ҳозирга қадар жумҳуриятимиз бўйича 41 гектардан ортиқ майдонда кўкнори ўстирилаётганлиги аниқланди ва йўқ қилинди.

Шунингдек тез-тез наркотик моддаларни сотиш, бошқа юртларга олиб ўтиш ҳол-

лари ҳам аниқланиб турибди. Яқинда 122 грамм «қора дори»ни Туркменистонга олиб кетаётган Ш. Мамедов қўлга тушди. У бунини Андижон туманида яшовчи Т. Исмли кишидан олганлигини айтди. Ҳозирда ҳар иккала шахсга нисбатан жиний иш қўзғатилган ва тергов олиб борилмоқда.

Тадбир эса давом этмоқда.

А. МУҲАМЕДОВ,
ИИБ ЖКБ бош опера-
тив вакили милиция
катта лейтенанти.



ЎЗГАРТИРИШ КЕРАК

«Постда»нинг доимий мухлисман. Ҳар бир мақолани синчиклаб ўқийман. Айниқса, халқ мулкига кўз олайтираётганлар фойш этилган материаллар жуда-жуда ёқади.

Газетанинг номини «Ҳақиқат учун!» деб номлашни таклиф этаман.

Э. МИРАҲМЕДОВ,
милиция майори.
Фарғона шаҳри.

Рўзномада берилётган асарият мақолалар жойларда содир этилаётган жиноятлару уларни очиш учун қилинаётган ҳаракатлар ҳақида. Шундай экан, уни «Жиноят ва жасорат», ёки лўндагина қилиб «Жасорат» деб номлаш ўринлироқ бўларди.

Ғ. ҚУДРАТОВ,
Жиззах шаҳри.

«Қора ажал» уруғига қарши курашда бизнинг бўлимиз ходимлари ҳам олдин ишлаб чиқарилган «Қора дори-92» шартли операция режасига мувофиқ оператив-текширув ишларини олиб бормоқдалар.

Ўтган йил туманимиз ҳудудига 60 та шахс жами 2317 квадрат метр майдонга кўкнори экканлиги учун Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 217-моддаси билан жиний жавобгарликка тортилди. Жиноятчилардан жами 4 кило 71 грамм миқдордаги наркотик моддалар тортиб олинди ва айбдор шахслар жиний жавобгарликка тортилдилар.

Тоғ ён бағирларидаги номтаъён шахслар томонидан экилган жами 20897 квадрат метр майдондан таркибидан наркотик модда сақлайдиган ўсимликлар топилиб, йўқ қилинди. Бу борада Республика ички ишлар вазирлиги томонидан жўнатилган вертолётдан унумли фойдаландик.

Халқ ўртасида кўп мартаба тушунтириш ишлари олиб борилди ва наркотик ўсимликлар экканлик учун жиний жавобгарлик ҳақида тарғибот ишлари кенг кўламли йўлга қўйилди. Жиний иш якунилари бўйича ўрмон хўжалиги раҳбариятига, Давлат хўжалиги ва қишлоқ Кенгашларига тақдимномалар жўнатилди.

Ана шундай профилактик

КЕЛТИРИЛГАН УРУҒДАН ГЕКТАРЛАБ КЎКНОРИ ЎСМОҚДА

ишлар 1992 йил учун ўз самарасини бердими, деган савол туғилади. Афсуски, қоникарли даражада эмас. Қонунларимиз давр талабидан орқада қолаётганлиги туфайли баъзи кимсалар ўзларини ўрганиб қолган одатларидан тия олмаяптилар.

Режа асосида ўтказдирилаётган «Қорадори-92» операциясининг биринчи босқичидаёқ 52 та фуқаро томирқасидан жами 2272 квадрат метр майдонда кўкнори ўсимлиги экилганлиги аниқланиб, йўқ қилиб ташланди. Бу деган сўз, яна 52 киши судланувчилар қаторига қўшилади. Наркотик савдоси билан шуғулланувчилардан жами 270 грамм наша тортиб олинди ва улар жиний жавобгарликка тортилди.

Тоғ ён бағирларига, Давлат хўжаликларидан фойдаланиб келинаётган ёки фойдаланилмайдиган сойлар, қирликларга ҳам сўнгги йилларда «ажал уруғлари» бир неча гектарлаб сепилмоқда. Маълумотларга кўра бу уруғлар Ленинобод вилоятидан келтирилган экан. Ана шундай экинлар экилишининг энг асосий сабабчи-

си ерга бўлган эгасизлик, қаровсизлик ва хўжасизликдир. Шунинг учун ҳам баъзи бир нопок одамлар тоғларга ва қирларга чиқиб «деҳқончилик» қилмоқдалар. Ёрнинг эгаси бўлмиш тоғ бегилари, Тегишли бригадирлар эса улар билан шерик ёки билса-да билмасликка оладилар.

Ўтган йили ана шундай тоғ бегиларидан кўпчилигига ва давлат хўжаликлари-нинг баъзи бир раҳбарларига Ўзбекистон Маъмурий ҳуқуқбузарлик мажмуасининг 1141-моддасига биноан жарималар солинди.

Бу йил эса қисқа муддат ичида туман ҳудудидаги тоғ ва сойликлардан, жами 6396 квадрат метр майдонда наркотик ўсимликлар экилганлиги аниқланиб, йўқ қилинди.

Бу борада оператив-қидирув ишларимиз давом этмоқда. Афсуски бугунги кун талаблари даражасида эмас. Гиёҳвандликка қарши курашда бугунги сусткашлик ёки эътиборсизлик, эртанги кунда миллицияга, умуман халқимизга мушкулликлар келтириши аниқ. Чунки у бир сўз билан айтганда ҳар қандай оғир жиноят содир

этилишининг энг асосий сабабчиси.

Бунга қарши кураш биттагина туман ички ишлар бўлими ходимлари учун ниҳоятда қийин. Қўшни Ленинобод вилоятининг Панжикент тумани, Булунгур, Ургут туманлари ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу борада вилоят ички ишлар вазирлигининг назорати зарур.

Гиёҳвандликка қарши кураш тўғрисида қонун масаласига келсак, бу борада бугундан кечиктирмасдан ишни кучайтириш масаласини кўриб чиқиш зарур. Бу ҳақда бир неча таклифлар ушбу рўзномада ҳам ҳамкасбларимиз томонидан берилган эди.

Халқ орасида юриб, ана шундай истакларни одамлардан ўзим ҳам эшитганман. Нима учун мустақилликка эришган республикамиз бу соҳада сусткашликка йўл қўймоқда? Таниқли ҳуқуқшунос олимларимиз ҳам етарли. Шу бугунги кундаёқ улар қонунларни қоллига солиб, ўзгартириб, янгилаб парламентга олиб чиқиш

мақсадга мувофиқдир.

Оддийгина бир мисол: Ўзбекистон маъмурий-ҳуқуқбузарлик мажмуасининг 1141-моддасига мувофиқ, тоғ ёнбағирларида, боғларда, сув, ўрмон хўжалиги, Давлат ва жамоа хўжалиги экин ерларида ўсиб ётган ёки экилган таркибидан наркотик модда сақловчи ўсимликларни йўқ қилиб ташламаганлик учун хўжалик раҳбарларига 50 сўмдан 100 сўмгача, бригадир ва фуқароларга эса 20 сўмдан 50 сўмгача жарима солинади, дейилган. Бундай жуда ҳам кам миқдордаги жарима билан қандай қилиб жиноятчиликка барҳам бериш мумкин? Ҳар қандай жазо, хоҳ у жиний, хоҳ маъмурий бўлсин, профилактика бўлиб хизмат қилади. Лекин енгил жазо айбдорга таъсир қиладимикан? Албатта йўқ. Енгил жазо— жиноят содир этилишига ва такрорланишига шароит яратди.

Жазони одилона тайинлаш учун, одил судлов учун ҳам қонунларни қайта кўриб чиқиш пайти келди. Шундагина биз нафақат гиёҳвандликни, балки бошқа жиноятларни ҳам жиловлай оламиз.

Бу эса халқнинг ҳам, даврнинг ҳам тўғри ва одилона талабидир.

А. САТТОРОВ,

Бахмал тумани ички ишлар бўлимининг бошлиғи милиция майори.

Ижод

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Жей мендан уч ёки тўрт ёш кичикроқ бўлиб, йирик, қомати келишган, сочлари калта, юзи офтобда қорайган, кўзлари ўйноқ киши эди. Ишдан барабар бўшаганимизда лифт олдида учрашиб қолардик. У ўрта миёна йигит бўлиб, Спарроу сингари менинг ишимга чи-накамга қизиқарди. Кўпчи-лик олди одамларга детек-тивнинг ҳаёти афсонавий сирли рангларда кўриниши-ни аллақачон сезганман. У мендан саргузаштларим ҳақида тез-тез сўраб турар, мен ҳам лифта бўлган қис-қа вақт ичида Спарроуга ай-тиб берадиган ўйирмалар-дан гапириб берардим.

— Нима гап?— сўради Жей лифт секин кўтарил-бошлаганда.

— Эрталаб хонамдан қан-дайдир бир Хитой аёлининг ўлигини топиб олдим. Таби-ийки, полиция оёғи куйган товукдай югуриб қолди.

У менга тикилиб қаради.

— Улигини?

— Кимдир отиб кетибди.

Бу гапларимдан у гангист бўлганга ўхшар эди.

— Ўлдириб кетишган де-моқчимисиз?

— Ҳа, ижозатингиз билан айтсам.

— Во ажаб! Парвардигор ўз паноҳида асрасин!

— Уни кўрганимда мен ҳам худди шундай деган эдим.

— Ким ўлдирибди?

— Ҳм! Ҳамма гап шунда-да. Сиз кеча кечқурун қачон кетган эдингиз? Мендан кейин-а?

— Тўққизларга яқин. Дар-возабон кўча эшигини ёпа-ётган эди.

— Ўқ овозини эшитма-дингизми?

— Худо ҳақки... йўқ!

— Кетаётганингизда хо-намда чироқ ўчиқмиди?

— Ўчиқ эди. Сиз олти-ларга яқин кетдингиз ше-килли?

— Худди шундай.

Аҳвол янада чатоқлаш-моқда. Қизни афтидан соат тўққиздан кейин ўлдириб-ганга ўхшайди. Далилларим тобора pista пўчоғидай мўрт-лашиб борарди.

Лифт бешинчи қаватда тўхтади. Ундан чиқдик. Идо-рамнинг эшигида дарвозабон билан сержант Пальский кў-ринди. Дарвозабон менга ик-ки бошли аждаҳога қараган-дай тикилиб қолди. Улар лифта ўтириб кўздан ғойиб бўлишди.

— Нима ҳам дердим, се-зиб турибман, бошингизга катта ташвиш тушибди,— деди Вейд хонам ёнидаги полициячига қараганча.— Агар қўлимдан бирор ёрдам келса...

— Раҳмат. Зарур бўлса айтаман.

У билан хайрлашиб, по-лициячининг ёнидан ўтдим-да, қабулхонага кирдим. Ер-да гугурт ва сигарет қолдиқ-лари. Улар кулдондан бў-лак ҳамма ерда сочилган э-тарди. Мен иш хонамга ки-рдим.

Курсида лейтенант Рет-ник ястаниб ўтирарди. У менга заҳарли назар ташлаб, мижозларга аталган курси-га ўтиришимни имо қилди. Унинг суякчигида қон қотиб қолган эди. Тегиб кетишдан жирканиб, тирсак қўядиган жойга суяндим.

— Қурол олиб юришга рухсатноманг борми?— сў-ради у.

— Бор.

— Тўппончанг қанақа?

— Махсус, полицияники.

У қўлини чўзди.

— Кўрсат.

— Столимнинг юқоридан ўнг томонидаги галадонда.

Ретник менга узоқ ва қат-тиқ тикилиб қолди, сўнгра қўлини олди.

— У йўқ. Столингни тит-килаб чиқдим.

Шу заҳотиёқ қора терга ботган бўйинини артишдан ўзимни аранг тийиб қолдим.

— У ўша ерда бўлиши керак.

Ретник сигара чиқариб, устки қоғозини олиб ташла-ди. Тамакисини гугурт чў-пи билан кавлаштирганича оғзинга солди. Кўзлари эса мени тешиб юборай дер эди.

— Уни 38-калибрли тўп-пончадан отишган,— деди у.— Врач аёл тахминан эр-талаб соат олтиларда ўлган деяпти. Нега яширайсан, Рейн? Ўша сариқмашанинг сумкасида нима бор эди?

— Сен мени ўтакетган тўнка деб ўйлаясан, шекил-ли,— дедим мен атайин хо-тиржам оҳангда.— Ҳақиқа-тан ҳам мени ўз мижозим-

Қани, ўйла.

— У бу ерлик эмас, Фрисколик, дейлик. Зудлик билан менга учрашиши ке-рак бўлиб қолди, дейлик. Нима учун Фрисконинг ўзи-да хусусий изқувар билан учрашиб қўя қолмади, деб сўрамай тур. Юз берган во-қеадан келиб чиқа турай-лик. Мен билан гаплашиш учун тайёрада учиб келган ва учрашув вақтини соат ет-тига тайинлаш унга маъқул бўлган, дейлик. Мен идора-дан кетиб қолишим мумкин-лигини билган, шунинг учун кўнғироқ қилган. «Ҳазил-каш» Хардвик эса уни теле-фон ёнида кутиб ўтирган. Аёл кўнғироқ қилиб, учиб кетаётгани ва соат учларда етиб келишини айтган. Хард-вик кутишини айтади. Аёл қўналғага келиб, такси ола-ди-да, хонамда ҳозир бўла-

Бу вақтдан кейин ёнимдан, соат иккиларда фақат битта машина ўтиб кетди. Лекин ҳайдовчиси мени кўрдими-йўқми, билмайман. Сут та-шувчи соат олтида мен ҳа-мон ўша ерда бўлганлигим-ни тасдиқлайди.

— Мени фақат бир нарса қизиқтиради: соат бирдан эр-талаб тўртгача қаерда бўл-ганинг.

— Коннот хиббонидаги 33-уй ёнида.

Ретник елкасини қисиб қўйди.

— Шунчаки расмийчи-лик учун кўрсатчи, чўнтак-ларингизда нима бор экан.

Бор майда-чуйда нарсаларни столга ташлаб, чўн-такларимни ағдариб кўрсат-дим. У нарсаларга бепарво-гина кўз ташлади-да ўрнидан турди.

— Шаҳардан ҳеч қаёққа чиқмайсан. Билиб қўй, бир имо қилсам асфала-софинга равона бўласан.

У эшикни ланг очиб қол-дирганича чиқиб кетди.

Нарсаларимни чўнтакларимга солиб, сигарет тутатганимча курсига ўтирдим. Ҳозир уларда менга қарши аниқ-равшан далиллар йўқ. Аммо бирор нарсани кавлаб топишлари мумкин. Балки яқин соатлар ичида нимадир чиқиб қолар. Мана шунга кўп нарса боғлиқ бўлади. Ретник — товукмия, албат-та. Лекин қотил шубҳалар-ни менга қаратганлигини се-зиб турибман. Вақти келган-да Ретникка ҳал қилувчи да-лил ташлаши мумкин. Тўп-пончанинг йўқолишига сабаб битта — қотил ундан фой-даланган. Ҳаммаси Ретник қуролими қаердан топиши-га боғлиқ.

Сакраб ўрнимдан турдим. Лаллайиб ўтиришга вақт йўқ. Ҳаракат қилиш керак. Хонамни ёпиб, лифта қараб кетдим. Жей Вейднинг идо-расидаги ойнаванд эшикдан Ретникнинг гавдаси кўринар эди. У менга қарши кўрсат-ма олиш мақсадида Вейд би-лан суҳбатлашаётганди.

Қандайдир ноҳуш туйғу оғушида биринчи қаватга тушдим, икки полициячи қў-риқлаётган эшикдан чиқиб, кўчанинг машинам турган нариги бетига ўтдим ва унга ўтирдим. Худди нашаси тутаган бангидай аъзойи-ба-данам титрарди. Ичгим ке-либ қолди. Одатда соат ол-тигача ичишдан ўзимни тия-ман. Лекин бугунги кун бош-қаларига ҳеч ўхшамасди. Ўриндик узра энгашиб, қўл-қоплар турадиган қўтидаги вискини олиш учун қўл узатдим. Шу пайт юрагим бўғзимга тикилиб, оғзим қу-риб қолди: Қўтида менинг 38-калибрли тўппончам би-лан тимсоҳ терисидан тайёр-ланган аёллар сумкачаси ётарди.

Этим жунжикиб кетди. Бу сумкача кеча кечқурун ўл-дирилган аёлники эканлиги-га шубҳам йўқ эди.

Полиция участкасининг орқасида икки ярим газли девор билан ўралган кенг ҳовли бор. Бу ерда полициянинг соқчи машиналари, тар-тибсизликлар бўлаётган жой-ларга аскарларни элтувчи юк машиналари, тезюрак ав-томобиллар турарди.

Ошқоқ деворлардан бири-га катта қизил ҳарфлар би-лан фақат полиция машина-лари туриши мумкинлиги ёзиб қўйилган.

Мен очиб турган дарвоза-дан кириб, машинамни тўп-па-тўғри соқчи машинаси-нинг ёнига қўйдим. Ҳали моторни ўчирмасимданок, ер тагидан чиқдим — билмай-ман, бир полициячи пайдо бўлди. Унинг қип-қизил ба-шараси ғазабдан ловулар-ди.

— Эй! Нима гап? Ўқишни билмайсанми?— у шундай бўкирдикки, овози икки ма-ҳалла нарида ҳам эшитилган бўлса ажаб эмас.

— Ҳеч гап йўқ. Ўқишни-ям биламан, ҳатто ҳижжа-ламай ўқийман.

Полициячи нима дейишга гап тополмай, фақат қуруқ-ликка тортиб чиқарилган балиқ мисоли оғзини каппа-каппа очарди, холос. Унга қачон гапириш қобилияти қайтишини кутиб ўтирмай, кулимсираб:

— Менга лейтенант Рет-ник, шаҳар ҳокимининг кў-ви, машинамни шу ерга қў-йишимни айтган,— дедим. Агар зерикаётган бўлсанг бориб сўрашинг мумкин. Фақат бирор жойинг гурра бўлса мендан ўпкалама.

У асарларини тириклайин ютиб юборган одамга ўх-шарди. Бир неча дақиқа менга тикилиб тургач, нима-дир деб тўнғиллади-да, сўнг обрўсини қўлдан бермаслик-ка ҳаракат қилиб, нари кет-ди.

Игирма дақиқача бўш-лиққа қараб ўтирдим. Тўсат-дан ҳовлига қандайдир ма-шина ғизиллаб кириб келди-да, мендан шундоққина бир газ нарида тўхтади. Ундан Ретник чиқди ва полиция участкаси жойлашган кул-ранг бино дарвозаси томон йўл олди.

— Лейтенант...

Овозим паст бўлса ҳам у мени эшитди. Елкаси оша мен томон қарар экан, ав-валига ҳода ютгандай қақ-қайиб қолди, сўнг тез-тез одим ташлаб ёнимга келди.

— Бу ерда нима қилаяп-сан?— деб сўради у.

— Сени кутяпман.

Бир оз жим туриб, мени бошдан-оёқ кузатиб қикди.

— Мана мен.— Ҳўш, ни-ма дейсан?

— Лейтенант, сен мени тинтув қилдинг, аммо ма-шинамни қараб чиқишни унутибсан.

У шалпайиб тушди ва пи-шиллай бошлади, шилинқи-раган ҳушёр кўзлари кўрқ-қанидан олайиб кетди.

— Машинамни нима учун тинтув қилишим керак эди, аблаҳ?

— Сен ўша сариқмаша-нини (уни шундай атайсан-ку) сумкасида нима борлиги ва мен уни ўз хонамда ўз тўппончамдан нима учун ўл-дирганлигим билан қизиққан эдинг, тўғрими? Сен хонам-дан ҳам, чўнтақларимдан ҳам ҳеч нарса топа олма-динг. Мен ҳақиқий, тажри-бали полициячи машинамни текшириб, унда қотиллик ашёлари йўқлигига ишонч ҳосил қилади, деб ўйлаган эдим. Шунинг учун, маши-намни бу ерга олиб келдим, энди сен ҳақиқий тажрибали полициячи каби уни текши-риб кўришинг мумкин.

Ғазабдан унинг афти-ба-шараси бўзариб кетди.

— Менга қара, итдан ту-ғилган,— бўкирди у.— Мен калтафаҳм изқуварнинг панд; насихатига муҳтож эмасман. Палскийга сен билан шуғул-ланишни буюраман. У ялти-роқ пўстингни шилиб олади. Агар бир қоп суякка айла-ниб қолмасанг, омадим кел-ди деявер.

— Лейтенант, мени бу қассобнинг қўлига топи-ришдан олдин, яхшиси, ма-шинамни текшириб кўр. Қўлқоп сақланадиган қўти-чага қара. Вақтдан ютасан. Машинамнинг эшигини ланг очиб, бир четга ўтиб турдим.

Ретник кўзларини чақчай-тирганича машинага кириб, қўлқоп солинадиган қўтича-ни шиддат билан очди.

Мен уни кузатиб турар-дим. Ғазоби сўнди-қолди. У тўппончага ҳам, сумкачага ҳам қўл теккизмай анча вақт уларга анграйганича тики-либ турди, сўнгра менга ўги-рилди.

— Бу сенинг тўппончанг-ми?

— Ҳа.

(Давоми кейинги сонда).



Сиз кутан, кутмаган хабарлар

УЧИНЧИ КУНИ УШЛАНДИ

Янгиариқ туманидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида яшовчи Усмонбек мактабдан келдию апил-тапил тушлик қилиб, қўйларини далага ҳайдади. Ўтлоққа етганда, қўйларни ёйиб, ўзи эса майсазорда чўзилмоқчи бўлди. Худди шу пайт енгил машина тўхтаб, ундан тушган икки йигит қўйларга яқинлашди. Биттадан жониворларни кўтаришиб, юкхонага босишдию, жуфтакни ростладилар.

Усмон шошилиб қўйларни уйга ҳайдади. Отасига бор гапни айтди.

Мол ўғрилиги ҳақидаги хабарни олган туман ИИБ ходимлари — катта тергов-

чи милиция майори Б. Сафоев, участка вакили милиция катта лейтенанти М. Йўлдошев, ЖҚБ ходими милиция лейтенанти Б. Эшчоновлар воқеа жойига етиб келишди.

Қидирувнинг учинчи кунини «Гайбу» бозорида бир шахс қўлга олинди. Лекин у эгаси таниган қўйларни номаълум йигитлардан сотиб олганини билдирди. Яна қидирув бошланди. Шу куннинг ўзидаёқ ҳақиқий ўғрилар ушланди.

Тергов давомида уларнинг илгари ҳам бир неча маротаба эгрилик қилганлари маълум бўлди.

ЯНА СУД

Ешлар, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар ҳақида қанча ёзилмасин, жазо қўлланилмасин, қонунбузарликлар камаймапти. Ким айбдор? Ота-онами, мактабми? Афсуски айбдорни кўрсатадиган мард йўқ.

Янгибозор туманидаги «Бағолон» давлат хўжалигида яшовчи ўсмир Эргаш Каримов 1990 йилнинг 21 июнида мотоцикл ўғирлаб судланганди. Суд унинг вояга етмаганлигини ҳисобга олиб, ҳукм ижросини кечиктирди. Лекин у буни ўзича тушунди. 1991 йилнинг 18 ноябрида яна мотоцикл мингиси келди. Бу гал қонун

мурувват қилмади. Болалар колониясида жазо муддатини ўтай бошлади. «Ҳисоб-китоби»га икки-ярим йил қолганида яна бир жиноятга қўл урди.

Қисқич, омбур ва лом билан қуролланган Эргаш жағарма банкига ўғирликка тушди. Бироқ қанчалик уринмасин пул сақланадиган темир сандиқни оча олмади. Ночор стол тортмасини титкилаб, кассирга тегишли 7220 сўмни ўмариб қўйиб бўлди.

Аммо хомхаёллари пучга чиқди. Бу ёғига яна суд, яна панжара.

Саъдулла БОБО.

МАҚБАРАДА ЎҒИРЛИК

Самарқандликлар улуг болари — Амир Темурнинг мақбарасини тоза тутиш учун ҳамда тузатиш ишларини олиб бориш мақсадида мақбарада хайр-эхсон қутисини ўрнатишган эди. 24 ёшли Собир исмли йигит эса ўша темир қутини ўғирлаб кетди. Аммо узоққа кета

олмади. Самарқанд вилояти ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси алоҳида батальони милиционерни милиция сержанти А. Сафаров қўлига тушди.

Энди шу ўғирланмаган нарсга фақат хайр-эхсон пуллари қолувди.

ОШ ДЕБ, ТОШНИ ТИШЛАДИ

Кондиционер ёзнинг жазирама иссиғида жуда асқотадиган, хонангизни бир зумда салқин қиладиган нарсда. Аммо бу техника ажойиботининг нархи одамнинг иссиғини чиқариб юборади: ўн уч минг етти юз йигирма сўм. Шунинг учун бўлса керак, Қўлмурод исмли шахс ўзидан 20 ёш кичик Алишер ва 30 ёш кичик Сайлов

исмли йигитлар билан биргаликда қандай қилиб жазирамадан сақланишининг йўлини қидириб қолишган. Улар кечаси иккиларда «Агроком-стройремонт» кичик корхонасига киришиб, деразадаги кондиционерни олиб кетдилар. Қўлга тушмайдими деб ўйлагандилар, акси бўлди. Ҳозирда уларнинг иссиғи жуда баланд.

ПУПИСАДА ШЕР, ҚОЧИШДА ҚУЁНДЕК

Дилбархон эрталаб сокин кўчадан кетаётган эди. Тўсатдан қаршисида номаълум йигит пайдо бўлди-ю, дўқ-пўписа билан сумкасини тортиб олди. Дақиқа ўтмай кўздан йўқолди.

Ўзини йўқотиб қўйган аёл ўғрининг кетидан қувай деса кучи етмайди, одамларни ёрдамга чақирай деса кўчада битта ҳам зот йўқ. Қўлоғига мотоцикл товуши эшитилди ва ўша томонга югурди. Бахтига муюлишдан Са-

марқанднинг 4-шаҳар милиция бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси ходими милиция сержанти Н. Хўжаев келаётган экан. Бўлган воқеани айтиб берди.

Вақтин бой бермай, милиционер аёлни мотоциклга ўтказдида, бошқинчи қочиб кетган томонга шошилди. Ўғри (исми Асқар) қўшни кўчаларнинг бирида қўлга олинди. Марварид маржон, 35 сўм пул, 81 сўмлик купонлар эгасига қайтарилди.

ЗАМОНАВИЙ «ОЛИМ»ЛАР

Эсингиздами, икки олим бир вақтнинг ўзида (бир-бирларини танимасалар ва бошқа-бошқа ерда истиқомат қилсаларда) бир хил кашфиёт қилишган. Қўқон шаҳрида ҳам шундай ноёб одамлар бор экан. Аммо қиладиган ишлари кашфиёт эмас, балки ташмачилик бўлиб чиқди. Мана шундайлардан иккиси Мансур ва Ҳаётжон чойшаб ишлаб чиқарадиган фабрикада ишлашади. Жонажон фабрикадан жун ипини олиб чиқиб кетишадиган вақтда шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими мили-

ционерни милиция катта сержанти А. Хўжаев ушлаб олди.

Шу бўлим назоратчиси Р. Абдувоҳидов эса нон комбинати ишчиси Муҳаммаджонни ўғирланган бир қоп ун билан қўлга олди. Воқеанинг қизик жойи қаерда деб сўрасиз. Бу олиб кетилмоқчи бўлган нарсалар қиймати ва ташмачилик содир бўлган вақт. Бир кунда уч ташмачининг ҳар бири 314 сўмлик давлат мулкнинг ўзлаштирмоқчи бўлишган.

Элшод РАҲМАТОВ, милиция майори.

«ДЯДЯ ЛЁНЯ» ҚЎЛГА ТУШДИ

ОДЕССА шаҳри ва унинг атрофида дафъатан шов-шув кўтарилди, — деб хабар беради «Труд» газетасининг мухбири Д. Романов, — гап шундаки, ростовлик жиноятчи Чикатило сингари балогатга етмаган қизчалар номусига тегувчи кимсанинг жиноятлари бирин-кетин маълум бўла бошлади: олти, саккиз, тўққиз яшар қизчалар... Кўп ҳолатларда жиноятчи деярли бир хил «услуб» билан иш кўрган: у велосипедда аҳоли турадиган ҳовлиларга кириб, ёш болалар билан суҳбат қураб ва ўзини гоҳо «дядя Лёня» ёхуд «дядя Серёжа» деб таништирар экан. Кейин қизалоқларни велосипедда «учириб, мазза қилдириш» баҳонаси билан ўрмонга «типратиконларни томоша қилдириш»га олиб кетар экан.

500 нафардан ортиқ киши — тезкор «бургут» гуруҳи аъзолари, район милиция бўлими шахсий состави,

милиция мактаби талабалари жиноятчининг изига тушдилар. Маҳаллий матбуот орқали унинг оғзаки портрети тавсифлаб берилди, телевидение орқали фоторобот сиймоси кўрсатилди.

Қидиришлар авжига чиққан бир пайтда яна икки жиноят содир этилганлиги маълум бўлди. Гап шундаки, одамларнинг лоқайдлиги жиноятчининг ўзини хавфсиз сезишига ёрдам берган. Кимлардир уни қидираётган пайтда кимлардир унинг жинояти устидан чиқсалар ҳам милицияга хабар бермаганлар. Жумладан, у саккиз яшар қизчани қийнаётган пайтда уни кўрган икки киши лом-мим демай ўтиб кетган.

Жиноятчи яқинда қўлга тушди. У Одессадаги кооперативлардан бирида ишлайдиган йигирма уч яшар йигит экан.

Тергов бошланди.

АМАЛГА ОШМАДИ

16 июнь кунини соат 23.30 да Фарғона шаҳар ИИБ ходимлари, миллий хавфсизлик қўмитаси хизматчилари билан ҳамкорликда Тўхташев ва Алимбековларни қўлга олдилар.

Бекорга эмас, албатта. Илгари судланган бу кимсалар йирик корхона раҳбаридан 130.000 сўм беришни талаб қилишган эди.

Челак шаҳарчасида истиқомат қилувчи 21 ёшли Аннақуловнинг нияти амалга ошмай қолди. У И. исмли кишидан дўқ-пўписа қилиб 40 минг сўм талаб қилган. Челак тумани ИИБнинг сергаклари унинг «ғояси»ни пучга чиқариб, ишни терговга ўтказдилар.

ЗИЕД.

Хомтаъма «боевик»

«Қаердан топаркан бундай одамни. Ким ҳам элайди бунини? Одамнинг ичидагини ўқиш осонми? Ҳа, шеф айтаверадиде-да. «Ишончли бўлсин! Оғзидан гуллаб қўймасин», — деб. Қани ўшанақаси?»

Усмон шуларни ўйларкан, таниш-билишларини бирмабир кўздан ўтказди.

Собирни анчадан бери танийди. Юриш-туришлари ҳам сал ҳалигидақа. Озгина «соққа»дан хасислик қилинмаса, кўндириш қийинмас.

Усмон Собир билан ҳар қачонгидан қуюқ саломлашаркан, илмоқли гапира бошлади. Собир ҳам анойилардан эмасди. Дарров гап нимадалигини тушунди.

— Мақсадга кўч, мақсадга, Намуначи хотинларга ўхшаб чўзияпсан?

Усмон воситачи топгани ҳақидаги хабарни шефга етказиш учун шошилди.

— Агарда ишни расво қилса, калланг билан жавоб берасан.

— Йўқ. Ҳаммаси хамирдан қил суғургандек бўлади.

— Тагин қочиб кетмайдими?

— Қаёққа ҳам қочарди. — Ҳар эҳтимолга қарши бирга борасан. Ярим йўлда қолиб пойлайсан. Айтилган нарсга сенинг қўлингга бўлиши керак.

— Ҳўп, тушундим.

Эртаси кунини кеч соат 6 ларда Усмон билан Собир яна учрашди.

Икковлон Когон туманига йўл олдилар. Баҳовуддин қишлоғига етмай Усмон тушиб қолди. «Ишга» Собир-

нинг бир ўзи кетди.

Собир ўзини кинолардаги «боевик»лардек ҳис қилар, ўта жиддий ва совуққон кўринишга уринарди. Иложи борица яширинишга, яқинлашгани сари тиззасига қираётган қалтироқни босишга қанчалик ҳаракат қилмасин, вужуди ўзига бўйсунмасди.

Йўлда «Москвич» автомашинаси кўриниши билан унинг асаблари янада таранг тортиди. Худди шу вақтда қарахтдек эди, бироқ бу ҳолати узоққа чўзилмади. Табиатан таъсирчан, қизикқон бўлган Собир тезда ўзини ўнглади.

Улар тенглашдилар. «Москвич» ҳайдовчиси ўроғлиқ нарсга узатди. Собир индамай олди. «Бор гап шу экан-ку, ваҳимага тушганимни қара!», — деб кўнглидан ўтказди у.

Мана, 50 минг қўлида. Ҳозир тугунини топширади-ю, улушини олади-да, ялло қилиб юраверади.

Лекин у шиддат билан келаётган машинани кўрди-ю, гап нимадалигини тушунди. Жон-жаҳди билан қоча бошлади. Шу қочишда «боевик»ларга осонмаслигини биричи бор ҳис қилди. Ҳаётда ҳаммаси бошқача эканлигини ҳам. Энди ҳолига маймунлар йиғлашини ҳис этаркан, ўзини лаянатлади.

Бухоро вилояти ИИБ ходимлари томонидан нақд 50 минг пул билан ушланган Собир уларнинг қуршовида одимларкан, «боевик»ларни астойдил бўралаб сўқарди.

М. ИСРОИЛОВА.

ЭҲТИЁТСИЗЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ

Зайниддин раисни олдида, Пахта қўрғони томон йўлга тушди. Катта Ўзбек тракти йўлининг 52-километрида рўпарасидан келаётган «ВАЗ-2105» белгили автомашина билан тўқнашиб кетди.

Ҳайдовчи Ж. Йўлдошев оғир аҳволда, унинг йўловчилари С. Ҳасанова, Б. Аҳмедов, Н. Акбаровалар эса енгил тан жароҳатлари билан шифохонага келтирилди. Афсуски Ж. Йўлдошевга кўрсатилган тиббий муолажалар ёрдам бермади. Икки кундан сўнг у оламдан ўтди. Йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиб, ушбу автоҳалокатнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган З. Қўлдошев Чиноз тумани халқ судининг ҳукми билан беш йилга озодликдан маҳрум этилди. Бундан ташқари асосий жазо муддати тугагач, уч йилгача транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўлди.

ТУРТИБ ЮБОРДИ

Шу кунини Наврўз ўзининг «Ява-350» белгили мотоциклида йўлга чиқаркан, бир неча дақиқалардан сўнг 9 ёшли Дурдонани туртиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаганди. У мотоцикл рулининг ўнг қисми билан қизчани уриб юборди. Оқибатда қизалоқ оғир тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди.

Мазкур ишни кўриб чиққан Чиноз тумани халқ суди Н. Азизовни 4 йилга 6 ойга озодликдан маҳрум қилди. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 23-2 моддаси қўлланиб жазо муддати шартлига ўзгартирилди.

ЕТИБ БОРМАДИ

Пскент шаҳридаги 82-автокорхонада ҳайдовчи бўлиб ишлаётган Анвар Берматовнинг вазифаси пахта тозалаш заводидан «Муротали» пахта тозалаш пунктига чигит элтишдангина иборат. Яқинда заводдан 9 тонналик юк билан чиққан Анвар, ҳар килоси 81 тийиндан бўлган бу уруғлик чигитларни манзилгача олиб бормади. Йўлдаёқ гум қилди.

Бу иш юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, ҳайдовчи туман халқ судидан тегишли жазосини олди.

ПИВОХОНА ТОМОН ҚОЧДИ

Бекободлик Оллоберди илгари жамоат мулкни талон-тарож қилгани учун жазоланиб чиққанлардан бири. Бунга кўп бўлган эди. Орадан унча-мунча эмас, етти йил ўтди.

Бекобод шаҳридаги деҳқон бозори ёнидаги қаҳвахонадан винога тўйиб олган йигитнинг нигоҳи ногоҳ бозордан ул-бул харид қилиб чиқаётган Олмахонага тушди. Унинг қўлидаги чиройли ҳамёни, назарида қашайиб тургандай туюлди. Узоқ ўйлаб ўтирмай уни шарт юлдию, йўлининг нариги томонида жойлашган пивоҳона томон қочди. Бунини шартли рефлекс дейишармиди... дод-войни эшитиб, нима бўлганини англаган милиционер унинг ортидан тушди ва Сирдарё бўйигача қувиб бориб шу ерда тутди.

Қочоқ беш йилга ҳукм қилинди.

М. ҲАКИМОВ.

Хар соҳада

СВЕТОФОР-92

Сир эмаски, кейинги пайтларда йўлларда автофалокатлар сони тобора ошиб бораёпти. Бундай кўргуликлар натижасида фақат катта ёшдаги кишиларгина эмас, балки шўх-хандон болалар ҳам жабр кўришяпти. Айниқса аксарият йўл-транспорт ҳодисалари болаларнинг кўча-кўйларда юриш қоидаларини билмасликлари туфайли содир этиляптики, муаммонинг бу томони ҳам-мамизни бирдек ўйлантириб қўяди.

Хўш, нима қилиш керак? Назаримизда биттагина йўл бор, у ҳам бўлса фарзандларимизнинг кўча ҳаракати қоидалари юзасидан олган билимларини мустаҳкамлаш.

Яқинда Тошкент шаҳар халқ таълими ва Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ ташаббуси билан Дмитров номли 9-

ўрта мактабда ўтказилган анжуман юқоридаги мақсадни амалга оширишда муайян қадам бўлди, десак янглишмаймиз. Мазкур кўрик-танловда шаҳардаги 12 та ўрта мактабнинг ёш автоинспекторлари иштирок этдилар ва 8 босқичдан иборат шартларни бажариш асносида ўз билим ва маҳоратларини намойиш қилдилар.

Нихоят ғолиблар аниқланди. Ҳамза туманидаги 282-ўрта мактаб вакиллари 37 балл тўплаб, биринчилиكنи қўлга киритдилар.

Иккинчи ўрин 33,8 балл тўплаган Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб автоинспекторларига насиб этди.

Акмал Икромов туманидаги 106-мактаб командаси учинчи ўринни эгаллади.

Ҳ. ШОДИЕВ.




Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар.

Суратлар муаллифники.



БОШҚОТИРМА



Бўйига:

1. Бобуршоҳнинг ўғли;
2. Турли маҳсулотлар қиймасидан тайёрланган қуюқ таом тури;
3. Мураккабдошларга мансуб ўсимликлар туркуми;
5. Номга, хатга;
6. Ўртапишар узум нави;
7. Муסיқада турли баландликдаги товушнинг бирига эшитилиши;
9. Қовуннинг ўртапишар нави;
13. Ёввойи парранда;
15. Электр асбобларнинг ишлаши маълум бўлган физиканинг боғлиқлиги;
16. Голландиялик денгизчи. Тинч океаннинг чекка денгизи ва Австралиянинг жануби-ғарбий қирғоғи яқиндаги орол номлари шу денгизчи номи билан боғлиқдир;
17. Юқори мартабали, давлатманд киши, улуг зот;

21. Катта бўлмаган алоҳида хона;
23. Мевали дарахт;
25. Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон жумҳурияларидан ўтувчи дарё;
26. Субтропик ва тропик районларда етиштирилувчи мева;
27. Қозоғистон жумҳуриясидаги берк шўр кўли;
29. Иреней тоғларидаги энг баланд чўққи;
30. Кўп йиллик ёввойи ўсимлик;

Энига:

1. Полиз экини;
4. Жанубий Америкадаги дарё;
8. Саноқ бирдиги;
10. Ёруғлиқнинг атмосферадаги ёмғир томчиларида синиши, қайтиши ва дифракцияси натижасида юз берадиган оптик ҳодиса;
11. Ўғил бола исми;

12. Ҳамир ва қийма гўштдан тайёрланган таом;

14. У. Бааде (АҚШ) кашф этган, 1566 тартиб номерли астероид (кичик сайёра);

16. Практика асосида воқеликни ҳиссий-эмпирик билиш;

18. Расмий ёзма илтимос, шикоят;

19. Нон тури;

20. Узоқ қариндош, ча-тишган қариндош;

22. Христиан динида худо ва авлиёларнинг рельефли тасвирлари;

24. Барги йирик, қалқонсимон, узун бандли, сувдан юқори кўтарилиб ўсувчи гул;

28. Пиёздошларга мансуб кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Тоғ ва адирларда ўсувчи гул;

30. Асосий ранглардан бири;

31. Партиянинг шарқона атамаси;

32. Ҳар хил буюмларни тешиш учун ишлатиладиган асбоб;

33. Тиниш белгиси;

34. Андижон вилоятидаги туман;

35. Озодлик, мустақиллик тўғрисидаги ибора;

Тузувчи:
Шоира УМАРОВА.

24 июнь сонида берилган
«БОШҚОТИРМА»нинг
ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 1. Дахау 6. Абдулатиф 9. Юрьев 10. Торез 13. Анса 14. Вена 15. Агра 16. Гурд 19. Анива 20. Абель 23. Баскетбол 24. Дхака 27. Гватемала 30. Ливия 31. Калар 34. Риал 35. Инти 36. Грац 37. Отин 40. Тунис 41. Берка 44. Чанчэнцзе 45. Риони.

БУЙИГА: 2. Агул 3. Адан 4. Абвер 5. Хирот 7. Армстронг 8. Венесуэла 11. Галац 12. Данди 17. Авуар 18. Аббос 21. Акахата 22. Атакама 25. Иврит 26. Алдан 28. Никарагуа 29. Карнатака 32. Прага 33. Шини 38. Бихар 39. Пенза 42. Эчки 43. Инин.

БИР ОЛАМ

КУЛГИ

ҚУЗИҚОРИН

— Ҳамма қўзиқоринни еса бўладими? — сўради Камол Сафардан.

— Йўқ, баъзиларини бир марта тановаул қилсанг кирфоя.

«КЎЗБОЙЛОҒИЧЛАР»

— Нега бурнинг қизариб кетди? — сўради ота ўғлидан. Мактабимизга кўзбойлоғич келганди. У мени саҳнага таклиф қилиб, бурнимдан бир неча марта танга «соғиб» олди.

— Шунга қизариб кетибди-да?

— Йўқ, кўзбойлоғич кетгач, синфдошларим ўртага олиб, танга пул олиш учун бирма-бир бурнимдан тортиб кўришди...

«ЯНА БИТТА ОЛМА БОР»

Уқитувчи ўқувчидан сўради: — Муножот, қани, айт-чи, учга бирни қўшсак, неча бўлади?

— ...?

— Гапимни қунт билан тингла: мен сенга аввал учта, кейин битта олма бераман. Энди айт-чи, сенда ҳаммаси бўлиб нечта олма бўлди?

— Бешта.

— Нега?

— Чунки сумкамда яна битта олма бор-да.

«ҲАМЁНЛАРИГА ҚАНДАЙ СИҒДИРИШГАН!»

Уқитувчи: Қадимга, пул ўйлаб топилмасдан аввал одамлар хизмат ҳақиға дон, сабзавот, қўй мол беришган.

Уқувчи: — Уларнинг ҳаммасини одамлар қандай қилиб ҳамёнларига сиғдиришган?

Мурод ТИЛЛАЕВ.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Чиноз тумани «Чиноз» наслчилиқ давлат хўжалиги билим юртининг 3-бўлимида истиқомат қилувчи милиция катта сержанти.

МУСААҲМАД АЛИЕВГА!

Меҳрибонимиз: азиз турмуш ўртоғим, дадажонимиз! Сизни қутлуг 40 ёшга тўлишингиз ва милиция сафида узлуксиз 20 йил ишлаганингиз билан чин қалбдан табриклаймиз. Бахтимизга доим соғ-омон бўлинг!

Турмуш ўртоғингиз — Иноятхон, фарзандларингиз — Нарғиза, Алишер, Шерзод.

ЭЪЛОН

Тошкент тиббиёт-педиатрия олийгоҳи томонидан А. Бойматовга берилган УВ I № 077061 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳридаги 106 ўрта мактаб томонидан Қобул Беҳзод Жаҳонгир ўғли номига берилган А № 033966 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Постда

Мухаррир

Зокир ОТАЕВ.



Телефонлар: муҳаррир —

54-37-91, муҳаррир ўрин-


босари — 39-77-23, муҳ-

бирлар бўлими — 59-26-56,

59-20-92, умумий бўлим —

59-21-21.

Обуна рақами — 64615.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

* Кўчириб босишда «Постда»дан эънаблигини кўрсатиш шарт. * Мақолада келтирилган рақамлар, фантлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингден, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. * Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин. * Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома офсет усулида, А-3 қолипда босилган.

Босмага бериш вақти 18.00.

Босмага берилди 17.00.

13.002 нусхада чоп этилди.

Буюртма — № Г-249.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11